

**ТАРБИЯЧИНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ****Ирода Хамидовна Ражабова**

Бухоро давлат университети

**Инобат Хамидовна Ражабова**

Гиждувон тумани 13-мактаб ўқитувчиси

**АННОТАЦИЯ**

Педагогик техника малакаларини мукамал эгаллаш учун, аввало, ўқитувчи ўз фанини, ўқитадиган предметининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорликда билиши, педагогик ва ахборот технологияларини, педагогика ва психология фанлари асосларини давр тараққиёти даражасида билиши, касбий жихатдан ўз-ўзини тарбиялай оладиган бўлиши зарур.

**Калит сўзлар.** Педагогик, техника, касбий кўникма, саводли ва ифодали сўзлаш, ҳис-туйғу, шахсий хусусият, пантомимик қобилият, рағбатлантирувчи, психологик билим.

**PREPARING TEACHERS FOR INNOVATIVE ACTIVITIES****ABSTRACT**

In order to master the skills of pedagogical techniques, first of all, the teacher must know his subject, the interaction of the subject with other disciplines, knowledge of pedagogical and information technologies, the basics of pedagogy and psychology at the level of development, professional self-education.

**Keywords:** Pedagogical, technical, professional skills, literate and expressive speech, emotion, personality, pantomime ability, motivational, psychological knowledge.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар фақатгина халқ манфаатлари учун, унинг бахт-саодати учун хизмат қилмоқда. Шу боис ҳам биз буни «Мустақиллик инъоми», «Мустақиллик имкониятлари» дея баралла айтишимиз мумкин.

Педагогикада инновация, инновацион фаолият, инновацион педагогика, таълимда инновацион жараёнларни бошқариш каби тушунчалар XX асрнинг 60-йилларида дастлаб, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида «таълим технологияси» тушунчаси эътироф этилган вақтда пайдо бўлди, ўша вақтдаёқ Европада педагогик инновациялар маркази ва институти ташкил этилди. Бу тушунчаларнинг пайдо бўлиши ва инновацион таълим назариясининг яратилиши тўғрисида маълумот берувчи манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, бу тушунчалар таълим тизимини технологиялаштириш, педагогик технологияларни таълим тизимига киритиш орқали таълим тизимини ислоҳ қилиш; таълим

самарадорлигини ошириш, шахс ижтимоийлашувини таъминлаш, бу борада муайян муваффақиятларга эришиш учун таълим жараёнида болага дўстона муносабатларни шакллантиришга уриниш натижасида вужудга келди. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида педагогик фаолият бу - ижодий жараён ва педагогик инновациялар бирлашмаси, деган янги илмий йўналиш таркиб топди. Бу эса тарбиячининг инновацион педагогик фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш имконини берди.

«Инновацион педагогик фаолият» деб бир неча бор тилга олмоқдамиз. Инновация» сўзининг маъноси нима? Бу сўз инглизча «inoveyshin» сўзидан олинган бўлиб, янгиликлар киритиш, деган маънони билдиради. Таълим тизимидаги инновациялар, уларни амалиётга тадбиқ этиш, инновацион фаолиятларни таҳлил қилиш орқали бу фаолият тушунчасини таърифлаш имконияти пайдо бўлди. Демак, инновацион фаолият - педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға бошловчи, тараққий эттирувчи кучдир. Бу фаолият узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаб, уни такомиллаштириб беришдан иборатдир. Бироқ таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик ёхуд ҳар бир янгилик ҳам инновация бўлолмайди. Сабаб: агар фаолият жараёнидаги янгилик қисқа муддатли бўлса, устига-устак тизимдаги айрим элементнигина ўзгартирса, у инновация эмас, «новация» ҳисобланади. Шундай экан, тарбиячининг машғулоти қизиқарли, самарали ўтиши учун у педагогик инновацияларнинг янги-янги услубларини излаб топиши, уни чуқур таҳлиллар остида энг самаралисини танлаб олиши ҳамда амалиётда қўллаши лозим. Бунинг учун у энг аввало, инновациялар ҳақида аниқ маълумотлар жамғармасини яратиши зарур. Нафақат яратиши, тўплаши, балки уни тасвирлаб, тушунтириб, ифодалаб ҳам бера олиши керак. Улар ярим йиллик бўйича методик тавсиялар ва қоидалар сифатида тақдим этилиши ҳам мумкин. Чунки инновацион фаолиятнинг ҳаммаси ёзиб киритилмайди, улар ўз-ўзидан маълумдек, тушунарлидек таассурот уйғотади. Уларнинг барчаси жонли фаолиятда намойиш этилади.

Демак, янгилик киритиш жараёнида қабул қилинган моделни амалий қўлланиладиган дастурга айлантириш узоқ ва мураккаб жараён ҳисобланади. Инновацион фаолиятга тайёргарлик узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у жуда узоқ вақт давомида мукамаллашиб боради ва бунда у педагог-олимлар фикрларига таянган ҳолда иш олиб боради. Бу фаолиятнинг зарурлигини тарбиячи тушуниб етиши, инновация киритишга қаратилган ҳаракатлар самара келтиришига ишониши лозим. Ўқитишнинг бу усули орасида дидактик ўйинлар ва образли ўқув ўйинлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Дидактик ўйинларнинг методик асослари 4 босқични қамраб олган: ўрганиладиган мавзунинг таништирилиши, ўйин жараёнининг яхлит кўриниши,

сценарийдаги ҳолатлар баёни (дарҳақиқат, бундай ўйинларни ўтказишда энг катта аҳамият унинг сценарийсининг ёзилиш даражасига қаратилади), жумладан, сценарийда ўйин шароитлари тасвирланиши, ўйин иштирокчилари ҳаракатлари ёки ҳолатларининг ишлаб чиқилиши, уларга методик кўрсатмалар яратиш каби масалалар баён қилинади. Шу асосда ўйин ҳаракатлари ташкиллаштирилади. Уни ўтказишда учраган ноаниқликлар бартараф этилади. Ўйин жараёнидаги барча муаммоли вазиятни «яшаб ўтиш» ўйин ҳаракатини янада очиб беради.

Бу жараёни муваффақиятли поёнига етказиш – рўёбга чиқариш кенг қамровли мақсадларга, қарама-қаршиликларга, аналитик, ахборот ва методологик йўналлшларга таянишни тақозо этади. Шу ўринда кенг қўлланилаётган илғор, замонавий технологиялар жуда-жуда асқотади, айниқса, инновацион технологиялар. Инноваторлар - янгилик яратувчилар эса, шубҳасиз, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришда, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришда катта муваффақиятларга эришишлари тайин. Миллий дастур — бу миллий моделдир. Меъёрий ҳужжатларнинг ҳар бирида таълим жараёнини ислоҳ этиш, бунинг учун янгидан-янги таклиф ва мулоҳазалар, тажриба ва синовларни дадил ишга солиш ва уларнинг натижаларини умумлаштириш кўзда тутилган. Бу нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон таълим тизими тарихида ҳам мисли кўрилмаган ҳодисадир.

Шундай экан, педагогнинг иш кўлами кенгайиб бормоғи керак. Дарҳақиқат, бу вазифа бугунги кунда тарбиячининг асосий фаолиятига айланди. Тарбиячидаги интеллектуал салоҳият - ишчанлик, меҳнатсеварлик, ижодкорлик хусусиятлари таълим мазмунининг бойишида алоҳида ва муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълим жараёнида илғор технологияларнинг янги-янги усулларининг қўлланилиши машгулотларнинг ранг-баранг қизиқарли тарзда ўтишига олиб келди, ўқув материалларининг чуқур ўзлаштирилишига ҳам кенг имкониятлар яратди .

«Инновацион педагогик фаолият» деб бир неча бор тилга олмоқдамиз. «Инновация» сўзининг маъноси нима? Бу сўз инглизча «inoveyshin» сўзидан олинган бўлиб, янгиликлар киритиш, деган маънони билдиради. Таълим тизимидаги инновациялар, уларни амалиётга тадбиқ этиш, инновацион фаолиятларни таҳлил қилиш орқали бу фаолият тушунчасини таърифлаш имконияти пайдо бўлди. Демак, инновацион фаолият - педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға бошловчи, тараққий эттирувчи кучдир. Бу фаолият узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаб, уни такомиллаштириб беришдан иборатдир. Бироқ таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик ёхуд ҳар бир янгилик ҳам инновация бўлолмайди. Сабаб: агар фаолият жараёнидаги янгилик қисқа муддатли бўлса, устига-устак тизимдаги айрим элементнигина ўзгартирса, у инновация эмас, «новация» ҳисобланади. Шундай экан, тарбиячининг машгулоти қизиқарли, самарали ўтиши учун у педагогик инновацияларнинг янги-янги

услугларини излаб топиши, уни чуқур таҳлиллар остида энг самаралисини танлаб олиши ҳамда амалиётда қўллаши лозим. Бунинг учун у энг аввало, инновациялар ҳақида аниқ маълумотлар жамғармасини яратиши зарур. Нафақат яратиши, тўплаши, балки уни тасвирлаб, тушунтириб, ифодалаб ҳам бера олиши керак. Улар ярим йиллик бўйича методик тавсиялар ва қоидалар сифатида тақдим этилиши ҳам мумкин. Чунки инновацион фаолиятнинг ҳаммаси ёзиб киритилмайди, улар ўз-ўзидан маълумдек, тушунарлидек таассурот уйғотади. Уларнинг барчаси жонли фаолиятда намоёниш этилади.

Демак, янгилик киритиш жараёнида қабул қилинган моделни амалий қўлланиладиган дастурга айлантириш узоқ ва мураккаб жараён ҳисобланади. Инновацион фаолиятга тайёргарлик узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у жуда узоқ вақт давомида мукамаллашиб боради ва бунда у педагог-олимлар фикрларига таянган ҳолда иш олиб боради. Бу фаолиятнинг зарурлигини тарбиячи тушуниб етиши, инновация киритишга қаратилган ҳаракатлар самара келтиришига ишониши лозим. Ўқитишнинг бу усули орасида дидактик ўйинлар ва образли ўқув ўйинлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Бундан ташқари педагогнинг инновацион тайёргарлигида болалар билан мулоқот - диалог, шерикчилик, мақол-маталлардан фойдаланиш, топишмоқларни қўллаш, худудий ўйинлардан, ашулалардан, ҳазил-мутойибалардан фойдаланишнинг ҳам аҳамияти бениҳоя катта. Яна назорат ишлари, ролларга ажратиб бериладиган ўйинлар ҳам синовдан яхши натижалар билан ўтган методик тавсиялар ҳисобланади. Буларнинг барчаси тарбиячи инновацион фаолиятга тайёргарлигида ёки тайёргарлигини оширишда жиддий ва зарурий заҳира ҳисобланади.

Замонамиз кун сайин ўзгариб бораётган экан, энг аввало, таълим соҳаси у билан ҳамоҳанг бўлади. Ва бунинг натижасида тарбиячидан ўз фаолиятига тўхтовсиз ўзгартиришлар киритишни талаб этади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда тарбиячининг инновацион фаолиятга тайёргарлигини мураккаб жараён сифатида баҳолаш мумкин. Чунки юқорида айтиб ўтилган усуллар тарбиячи томонидан ижодий бойитилади, ривожлантирувчи ахборотлар билан тўлдирилади. Булар шунчаки гаплар эмас, натижаси самарали, тажрибадан муваффақиятли ўтган, тасдиғини топган тавсиялардир.

Бунда, тарбиячи инновацион фаолиятнинг субъекти ва ташаббускори сифатида янгиликни ижодий изланиш натижасида яратиши, уни моҳирона ҳаётга тадбиқ этиш ҳамда уни оммалаштиришда марказий ўринда туриши лозим. Юқорида билдирилган нисбатан умумий ва тор маънодаги фикрлардан ташқари педагогнинг инновацион тайёргарлигини фанлараро тизим, тарихий, зарурий ва қонуний тизим сифатида баҳолаганда ҳам унинг моҳиятидан келиб чиқилади. Педагогик-психологик нуқтаи назардан қаралган инновацион фаолиятга

тайёргарлик барча-барча сифатларини ҳисобга олиб иш кўрадиган мураккаб жараён дир. Бу жараённи тарбиячи муваффақиятли поёнига етказиш – рўёбга чиқариш кенг қамровли мақсадларга, қарама-қаршиликларга, аналитик, ахборот ва методологик йўналишларга таянишни тақозо этади. Шу ўринда кенг қўлланилаётган илғор, замонавий технологиялар жуда-жуда асқотади, айниқса, инновацион технологиялар. Инноваторлар - янгилик яратувчилар эса, шубҳасиз, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришда, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришда катта муваффақиятларга эришишлари тайин.

## REFERENCES

1. Eshova S. D., Rajabova K. I. Organization of didactic games for preschoolers.
2. Rajabova I. Ossobennosti organizatsii i provedeniya didakticheskix igr s detmi starshego doshkolnogo vozrasta //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
3. Xamidovna R. I. Play as a means of developing the creative abilities of Preschool Children //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 10.
4. Rajabova I. Ossobennosti organizatsii i provedeniya didakticheskix igr s detmi starshego doshkolnogo vozrasta //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
5. Kamilova G. Maktabgacha talim muassasalarida ekologik tarbiyani tashkil etishda integrativ yondashuv //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
6. Olimovna K. G. The importance of the criteria of pedagogical technologies at training highly qualified personnel //Достижения науки и образования. – 2017. – №. 5 (18).
7. Камилова Г. А., Тураева О. С. ФОРМИРОВАНИЕ ДИАГНОСТИЧЕСКИХ НАВЫКОВ У СТУДЕНТОВ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ //Проблемы науки. – 2021. – С. 50.
8. Хамроева Н. А. МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ РЕЧИ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ //Проблемы науки. – 2021. – №. 3 (62). – С. 74-76.
9. Хамроева Н. А., Назарова Д. Ж. Особенности речевого развития детей старшего дошкольного возраста //Вестник магистратуры. – 2020. – №. 1-5. – С. 37.
10. ХАМРОЕВА Н. А. преподаватель кафедры дошкольного образования, факультет дошкольного и начального обучения //Бухарский государственный университет, Узбекистан.
11. Supkhonovna H. N. Technology for the development of the qualities of pedagogical competence in future teachers //ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH. – 2021. – Т. 10. – №. 5. – С. 372-382.

12. To'raqulovich J. U., Supxonovna H. N. Ways to shape a healthy lifestyle in the family of preschool children //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 11.
13. Хакимова Н. С., Хабибова Г. Г. А. АВЛОНИ-ПРОСВЕТИТЕЛЬ, ПЕДАГОГ И РЕФОРМАТОР ШКОЛЫ //Вопросы науки и образования. – С. 34.
14. Umarova G. Bolalarning iqtisodiy bilimdonligini rivojlantirishda matematik tasavvurlarni shakllantirish mashg'ulotlarining ahamiyati //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
15. Sharipova I. F., Umarova G. U. Some methods for calculating limits //Journal: JOURNAL OF ADVANCES IN MATHEMATICS. – Т. 10. – №. 7.
16. Nurulloev F. Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarini axloqiy tarbiyalash //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
17. Nurulloev F. Oilada sog'lom, ma'naviy-axloqiy muhit //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 5. – №. 5.
18. Nurulloev F. Maktabgacha yoshdagi bolalarda oilaga nisbatan hurmat munosabatini hakllantirish //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
19. Камилова Г. А., Курбанова Г. Р., Джаббарова С. З. Особенности формирования педагогических навыков у воспитателей дошкольно-образовательных учреждений //Academy. – 2020. – №. 5 (56). – С. 25-27.
20. Жабборова С. З. Особенности труда в дошкольном возрасте //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 6 (51).
21. Джаббарова С. З. ЭТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ ДЕТЕЙ В СЕМЬЕ ЧЕРЕЗ НАЦИОНАЛЬНЫЕ ЦЕННОСТИ //Проблемы науки. – 2021. – С. 61.
22. Jabborova S. Z. Forms, methods and ways of moral education of children in the family by means of national values //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 3. – С. 820-823.
23. Zarafshon J. Maktabgacha ta'limda jismoniy tarbiyani shakllantirish metodlari //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
24. Jalilov Z. B. Educational Value in Works of Eastern Thinkers and Principals of Their Use //Eastern European Scientific Journal. – 2017. – №. 1.
25. Zarafshon J. Maktabgacha ta'limda jismoniy tarbiyani shakllantirish metodlari //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)
26. Zarafshon J. МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМНИНГ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ OSHIRISHDA PEDAGOGIK JARAYONNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.

27. Zarafshon J. МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМДА ИҚТISODIY MADANIYATNI SHAKLLANTIRISHDA TARBIYACHINING ROLI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
28. Asadovna U. F., Baxshillovich Z. J. METHODOLOGICAL SUPPORT FOR EXTRA-CLASS ACTIVITIES OF A STUDENT //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 1. – С. 321-325.
29. Жалилов З. Воспитание студентов в духе национальных ценностей //International scientific review. – 2016. – №. 2 (12).
30. Намроева N. ИЛТИФОТ–ФАТИК МУЛОҚОТНИНГ БИР КЎРИНИШИ СИФАТИДА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.